



- * Маҳаллий раҳбарларга ёшлар керак эмасми?
- * Энг кучли ўзбек спортчиси Сиднейга боради
- * Циркнинг ўн уч ёшли каптар ўйнатувчи қизи
- * Машҳур қўшиқчи Мадонна фарзанд кўрмоқчи



Туркистон

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 12 Апрель Чоршанба. № 29 (14311)

ЮРТБОШИМИЗ ТАШАББУСИ БИЛАН...

Бўзсув мавзесида барпо этилаётган “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи қурилиши ниҳоясига етмоқда

Бугун тошкентликларни ҳам, меҳмонларини ҳам қизиқтираётган, ҳайратга солаётган қурилиш Юнусобод туманида барпо этилаётган “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси десак адашмаймиз.

Пойтахтдаги осмонўпар телеминора олдида бориб кун чиқиш тарафга назар солсангиз, Бўзсувнинг икки соҳилида иш қайнаётганининг гувоҳи бўласиз.

Бир пайтлар империя ўзининг душманлари деб атаган халқ ўғлонларини мана шу масканда қатл этганди. Бу жойлар шундан кейин одамларни ваҳимага соладиган масканга айланди. Устига тупроқ тортилган (кўмилган деса нотўғри бўлади) “халқ душманлари”нинг на фарзанди, на қариндоши сир тутилган бу масканга келиб, ўтганлари руҳига тиловат қилишга юраклари бетламасди... Бўзсувда руҳлар безовта эди.

Мустақиллик тириклар қатори ўтганларнинг ҳам қадр-қиммати тиклади. Истибодда қарши

умр бўйи курашган инсонлар хотираси олдидаги қарзлар узиладиган бўлди.

Юртбошимизнинг ғоя ва ташаб-

тимиз Юнусободда бунёд этилган янги кўприкни бориб кўргач, қайтаётганларида руҳлар безовта бўлган мана шу жойга тушиб, ай-

Бу ёдгорликни барпо этишдан мақсад — биринчидан, бугунги ёруғ кунлар учун курашиб шаҳид бўлган ота-боболаримиз руҳини шод этиш;

иккинчидан, адолат бор экан, бир кун у, барибир, юзга чиқар экан, деган қатъий ишончни одамлар онгига синдириш;

учинчидан, бу дунё ўткинчи, аммо инсон хотираси абадий эканлигини, ҳар бир кишига, айниқса, ўсиб келаётган ёшларимизга англатишимиздан иборатдир.

Ислом КАРИМОВ

буси билан Бўзсув мавзесида “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси барпо этилмоқда. Қарийб 17 гектар ҳудудни ишғол этадиган ёдгорлик мажмуидаги қурилиш бултур октябрь ойида бошланган. Тўғриси, ўша пайтлар бу ёққа йўлингиз тушса юрагингиз орқага тортиб кетарди.

Ўтган йилнинг ёзида Президен-

нан шу ерда ёдгорлик мажмуи барпо этиш таклифини билдирганди.

Аслида лойиҳа муаллифи Ислом Каримов десак, ҳеч муболаға бўлмайди. Чунки Юртбошимиз мажмуанинг бутун шакли, тузилишини аниқ белгилаб қизиқ берди. Тўрт марта қайта-қайта кўриб, тазтишлар киритди. Шунга асосланиб Бўзсувнинг икки соҳили ҳам сайилгоҳ таркибига киритилиб, ёдгорлик атрофида кўркам боғ яратилди. Икки ўртада эса 14-15 метр баландликка эга бўлган муаззам кўприк қурилиши бошланиб йўлларни, меҳрларни боғлади.

Ёдгорлик қандай бўлади деган саволга Президентимиз, миллий боғдаги Алишер Навоий ҳайкали узра турган мовий гумбазли ҳавоза халқнинг аллақачон кўнглига сингган. Ёдгорликни бунёд этишда ана шу гумбазли ҳавоза шаклидан фойдаланиш лозим. Имом ал-Бухорий ҳазратларига Челақ туманида бар-



по қилинган мақбара сағанасига Четдан қимматли нифрит тоши олиб келиб ўрнатилган. Бу тош ҳамиша товланиб, ўзидан нур таратиб туради. Шу билан бирга оч яшил рангдаги худди ўтганларнинг, хусусан, шаҳидларнинг руҳини эъзозлаш учун махсус яратилгандек таассурот беради, - дея маслаҳат бергандилар.

Айни чоғда мажмуа гумбази ичига чет элдан келтирилган рамзий хотира тоши ўрнатилиши режалаштирилаётир.

Энг асосийси зиёратгоҳ мардона миллий табиатимизга мос, сокин ва мўтабар бир масканга айланади.

Шаҳидлар руҳи шод бўлади. Руҳлар мадади эса бизни яна яхшиликлар сари етаклайверади.



ЎЗБЕК АЁЛИ ЕВРОПА-ЛИК ХОНИМ НИГОҲИДА

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, дунё ҳам жамиятининг диёримизга бўлган қизиқиши янада ортди. Фрайбургли (Германия) этнограф олима, адиба Габриэле Келлернинг Самарқанддаги Ўзбекистон тарихи, маданияти ва санъати музейи, Самарқанд Этнография минтақавий музейи, Гёте институти Тошкент шаҳар бўлими, Конрад Аденауэр Фонди Тошкент шаҳар бўлимининг Адельхаузер Фрайбург номи табиатшунослик ва этнография музейи билан ҳамкорликда ташкил этган "Ўзбекистонда аёллар маданияти — европалик аёл Марказий Осиё қадимий анъаналари изидан" мавзuidaги кўргазма фикримизнинг ёрқин исботидир. Термиз шаҳрида очилган мазкур кўргазма 14 апрелгача ўз ишини давом эттиради.

Мамлакатимиз Президенти томонидан 1999 йилнинг "Аёллар йили" деб эълон қилиниши Габриэле Келлерда ушбу кўргазмани ташкил этиш иштирокини уйғотди. Кўргазмадан германиялик этнограф олиманинг ўтган йил давомида Самарқанд вилоятига уюштирилган экспедицияси натижасида тўплаган экспонатлар — юксак маҳорат билан суратга олинган 150 дан ортиқ рангли фотосуратлар ҳамда сўнгги йилларда яратилган ўзбек халқ амалий санъати оид 100 га яқин асарлар жой олган. Кўргазмани ашёлар учун чуқур муҳофаза билан тузилган кенг қамровли шаҳарлар ўзбек аёлининг оила, жамият ва сиёсий ҳаётида тутган ўрни ҳақида ҳикоя қилади.

"Туркистон-пресс"

"Камолот" жамғармаси Амударё туман бўлими раҳбари Баҳодир Болтабоев даста-даста ҳужжатларни олдимишга уюб ташлади. "Мана, ўтказган тадбирларимиз ҳақида шуларни ўқиб билиб olasiz". Кайдонмаларни титкилай бошладик. Кўплай кеча ва тадбирлар ўтказилганини тасдиқлаб тузилган баённомалар, дастур ва режалар нусхалари. Ёш раҳбарнинг тиришқоқ ва интилувчанлиги кўриниб турарди. Йўқса шунча тадбирларни ўтказишга ҳаммада ҳам хафсала бор, деб ўйлайсизми?!

Баҳодир бўлим фаолиятини иқтисодий жиҳатдан юксалтириш учун тадбиркорликка ҳам қўл урибди. "Камолот ПКФ" деб номланувчи тижорат фирмаси автомобилларга техник хизмат кўрсатиш орқали молиявий жиҳатдан ўнлаб бораётди. Бироқ "Ижодкор ёшлар маркази" фирмаси 2000 йилнинг февраль ойида касодга учрагани боис тугатилибди.

Албатта, доимий равишда тадбирлар ўтказиш ва ёшлар муаммоларини ҳал этиш билан шуғулланиш учун ягона фирмдан келиб тушадиган маблағ уммондан томчи, холос. Биз шуларни ўйлаб "Камолот" жамғармаси Амударё тумани бўлимининг келажаги борасида аниқ тасаввур ҳосил қилолмай қийналиб қолдик. Чунки бу ерда ҳам Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа туманларида бўлгани каби муаммоларнинг қалашиб ётганини гувоҳи бўлдик.

Хўш, "Камолот" жамғармасининг жойлардаги аҳволи деярли 4 йилдан буён ўнланмасдан қолаётганининг асосий сабаби нимада? Бизнингча маҳаллий раҳбариятнинг ёшлар ташкилотига панжа орасидан қараётгани бунга сабаб бўлапти. 1996 йил дастлаб "Камолот" жамғармасининг жойлар-

Шу кунларда Ўзбекистон Ёшлар театри саҳнасида иккинчи марта ўтказилаётган ёшлар театрларининг "Хумо" халқаро фестивали доирасида мамлакатимизнинг ижодий жамоалари ва хорижий ижодий жамоалар ўз санъатларини намойиш этмоқда. Бунда

дерсеннинг "Ирkit ўрдакча" эртаги бўйича А.Шапиро ёзган пьеса асос қилиб олинган.

Спектакль ... репетиция билан бошланади. Унда ёш актёрлар гўзал оқушга айланган ирkit ўрдакча тўғрисидаги ҳикояни янгича талқин қилишга уринади. Эртанинг бахтли

сандр Кузин Тошкент театр ва рассомчилик институтида таҳсил олганлиги диққатга сазовордир.

Энди тошкентликлар грузин артистлари ижоди билан танишиш имконига эга бўлади. "Хумо" фестивалига Поти давлат драма театри жамоаси

Томошабинларга абадиётўғрисида

инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар мавзуси янгича талқин этилмоқда. Ярослав болалар ва ўсмирлар театри томошабинларга муаммонинг ўзлари топган ечимини таклиф этишди. Тошкентлик томошабинлар ҳукумига режиссёр А.Кузин саҳналаштирган "Данияда рўй берган воқеа" спектакли ҳавола қилинди. Спектаклга Г.Х.Ан-

нихояси воқеалар кульминацияси билан уйғунлашиб кетади.

Бешта томоша кўрсатган ярославликларнинг бу спектакли болалар ва катта ёшдаги томошабинларга бирдек манзур бўлди. Улар россиялик артистлар маҳоратини муносиб баҳолашди. Россия Федерациясида хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ярослав театрининг бадиий раҳбари Алек-

И.Саломанашвили пьесаси асосида саҳналаштирилган "Қоғоз қуш" спектакли олиб келади. Спектакль Тошкентда ёшлар театрлари халқаро фестивалини ўтказиш ташаббускорларидан бири бўлган Ўзбекистон ёшлар театри саҳнасида намойиш этилади.

А.Иванова,
ЎЗА мухбири

"ШУНҚОРЛАР" ЧЎҚҚИГА ИНТИЛАВЕРСИН...

Ота-боболари Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди... полвонларнинг кураги ерга тегмаган бу юрт ўғлонларининг қонида мардлик, шижоатлилик оқади.

Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" жамғармаси тўрт йилдирки, ёшларда мардлик, қатъийлик, куч-ғайрат, Ватанга садоқат меҳрини уйғотишда "Шунқорлар" ҳарбий спорт ўйинларини ўтказиб келади. Барча вилоят, туман, шаҳар мактабларида ўтказилиши анъанавий бўлган бу беллашув айна пайтда ўз Низоми, мадҳияси, байроғи, рамзига эга. Мусобақанинг вилоятлардаги биринчи босқичи муваффақиятли якунланди.

Куни кеча "Камолот" жамғармасида "Шунқорлар" ҳарбий спорт ўйинларини ўтказишда иштирок этувчи вазирлик ва ташкилотлар масъул ходимларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мусобақани ривожлантириш, ҳомийларни жалб этиш ва навбатдаги республика финал босқичини кўриб чиқиш масалалари кўтарилди. Йиғилганлар "Шунқорлар" мусобақасининг Республика финал босқичи шу йилнинг 2-5 май кунлари Тошкент Олий ҳарбий умумқўшин командирлари билим юртининг Чирчиқдаги ўқув-масқ базасида ўтказилишини режалаштириб олишди.

ЗИЁДА

даги бўлимлари ташкил этила бошлангач, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳомий ташкилотлар белгиланган эди. Бу бўйича маҳаллий ҳокимлар қарор қабул қилиб, унда дастлабки фаолиятни жонлантириб юбориш учун жамғарма бўлими ҳисоб рақамига пул тушириб беришлари уқтирилган эди. Яна бир бора уқтириш лозимки, ҳомийлардан пул фақат бир маротаба, фақат дастлабки фаолиятни жонланти-

ифлашган бор-йўғи 6 та жамоа ҳўжалигини санаб ўтди. Тумандаги Нефтбаза, Оролсувқурилиш, 6, 304, 305, 498-сонли ҳўжаликлари қурилиш — монтаж бошқармалари, Мангит дехқон бозори, Электр алоқа боғламаси, Тадбиркорбанк, Халқ банки, Пахта банк, Жумуртов ҳиссдорлик жамияти, Тош майдалаш ва саралаш заводи, Агромаштракн ҳиссдорлик жамияти каби идора-ташкilotлар обрўйи Қорақалпоғис-

хўжати саналмиш Президентнинг 1996 йил 17 апрелдаги Иф-1425 Фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг ўша йили 31 майдаги 207-қарори, қолаверса, туман ҳокимининг махсус қарори талабларини бажармаслик қип-қизил диёнатсизлик эмасми?! Фармон ва қарорлар қоғозларда сарғайиб қолиб кетиши учун чиқарилмайди-ку?! Унинг ижросини таъминлаш тараққиёт гаровидир. Амударё туманининг собиқ

ЯНА ТАНКИД МУНОСАБАТ ҚАНДАЙ БЎЛАРКАН?

риш учунгина тушиши шарт эди. Бу туфайли кейинчалик бўлимлар ўз низомига биноан иқтисодий-ижтимоий йўналишда фаол иш юритиш лозим. Лекин боқибегам раҳбарлар на туман ҳокими қарорини, на "Камолот" жамғармаси туман бўлими раҳбарларининг пул туширишларини сўраб жўнатган махсус хатлари устида бош қотириб кўрганлар.

"Камолот" жамғармаси туман бўлимига ҳам 1996 йилда 61 та ҳомий ташкилот ва жамоа ҳўжаликлари бириктирилган. Улардан жами 3800000 сўм пул бўлим ҳисоб рақамига тушиши керак эди. Тўрт йил мобайнида эса бор-йўғи жами 378953 сўм 78 тийин маблағ ҳомийлардан ундирилган холос.

Хўш, ҳомийларнинг ўзларининг бугунги кундаги аҳволи қай даражада? Бу саволга жавоб бераётган Баҳодир Болтабоев молиявий жиҳатдан за-

тон Республикасида баланд бўлсада, улар 20-50 минг сўм атрофида ҳомийлик, ёрдамини "Камолот" жамғармаси Амударё туман бўлимига раво кўрмаётирлар. 1999 йил август ойида "Қорақалпоғистон" наشريётида чоп этилган "Амударё тумани" рисоласида келтирилган маълумотларга кўра, Мангит дехқон бозорининг ўтган йилнинг биринчи ярмида ялпи даромади 413962 минг сўм фойдани ташкил қилибди. Электр алоқаси боғламасининг йиллик тариф даромади эса 30 миллионни ташкил қиларкан. Пахтабанкнинг туман бўлими эса 1999 йилнинг 7 ойи ичида 2494,3 минг сўм соф фойдага эга бўлган.

Бу рақамларни янада давом эттириш мумкин. Бироқ гап эгасини топади, деганларидай, бириктирилган ҳомий ташкилот раҳбарлари бу борада диёнат билан иш юритадилар деган умиддамиз. Ахир муҳим давлат

ҳокими Ф.Эрмонов "Ёшларнинг "Камолот" жамғармасининг 2 йиллигига бағишлаб шанбалик ўтказиш тўғрисида" — ги 133-қарори талаблари ҳам жила курси бир фоизга ҳам бажарилмаган. Мазкур қарор эълон қилингану, аммо ҳеч қандай шанбалик ўтказилмаган, бир сўм пул "Камолот" жамғармаси туман бўлими ҳисоб рақамига ўтказилмаган. Мана сизга расмийлик. Ҳамма нарсга қозғода "ҳал" қилинадиган иллатлар ҳали ҳам газак отиб ётганидан изтироб чекасан киши.

Биз Баҳодир Болтабоев билан муаммоларни таҳлил қилиб қуйиниб ўтирганимизда, Нукусдан "Камолот" жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошлиғи Мақсуд Хўжамбергенов сим қоқиб қолди. Салом-алиқдан сўнг у киши дарров араз-гиналарини тўкиб солди. "Туркистон" газетасининг 2000 йил 15 март 22-со-

"НИҲОЛ — 2000"

Кеча Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройида Республика олий ўқув юрлари талабалар театр-студияларининг "Ниҳол-2000" театр санъати фестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Бу фестиваль Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ишлари вазирликлари, Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университети, "Камолот" жамғармаси, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси марказий кўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Ўтган йилдаги фестивалда Олий ўқув юрларининг 20 та театр жамоаси иштирок этган бўлса, бу йил 60 дан ортиқ театр жамоалари иштирок этмоқдалар. Бундан маълумки, йилдан-йилга ёшларимизни санъатга, айниқса театр санъатига бўлган қизиқишлари ортиб бормоқда.

Фестивални Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Тўрабек Долимов қисқача кириш сўзи билан очди ва барча иштирокчиларга омад, муваффақият тилади.

Ҳали олий ўқув юрти театр жамоалари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган.

I-ўрин учун — 100000 сўм
II-ўрин учун — 75000 сўм
III-ўрин учун — 50000 сўм

Фестивални Тошкент Давлат санъат институти талабалари М.Уйғурнинг "Туркистон-табиби" спектакли билан бошлаб бердилар. Постановкачи режиссёр Н.З.Қобилов.

Фестиваль ўз ишини 15 апрелгача давом эттиради.

Нилуфар ОЧИЛОВА,
талаба

нида чоп этилган "Муаммолар гирдобини" мақоласида Тўртқўл туманидаги аҳволни ёритганимиздан хафа бўлганини билдирди. Биз ўша мақолада М.Хўжамбергенов шаънига ҳеч қандай сўз айтилмагани, муаммолар гирдобининг "қайнаши"-га эса асосан маҳаллий раҳбарлар айбдор эканлигини тушунтиролгандай бўлдик.


Танқидий мақола бировнинг шаънини ерга уриш, обрўйини ерга тўкиш учун ёзилмайди. Биз муаммоли нуқталар ҳақида ёзар эканмиз, ҳамиша "Нима бўляпти?", "Нима қилиш керак?" деган саволларга таҳлилий жавоб ахтаришга ҳаракат қиламиз. "Камолот" жамғармаси Тўртқўл тумани бўлимидаги аҳвол тўғрисида тўртинчи ҳокимият имкониятидан келиб чиққан ҳолда бонг уришимиздан мақсад бу ердаги огрик нуқталарни бартараф этишга кўмаклашиш эди холос.

Дарвоқе, Амударё туман бўлимидаги аҳвол ҳам Тўртқўлникидан қолишмайди. Баҳодир Болтабоевнинг фикрича, матбуотда танқидий мақола ёзишнинг ҳеч қандай фойдаси бўлмас экан. Чунки мақола чиққан туман ҳокими уни ўрганиб чиқиш учун ўзининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарига, ўринбосари эса яна "Камолот" жамғармасининг туман бўлими раҳбарларига топширармиш. Шўрлик Б.Болтабоевнинг додини эса ҳомийлар эшитиши даргумон. Шунинг учун ёшлар муаммоларини ҳал этиш жараёнида шахсан туман ҳокими ўзининг жиддий эътибори ва керакли ёрдамни аямайди деган умиддамиз.

Эрпўлат БАХТ,
"Туркистон" газетаси
мухбири



"МУРКИСТОҲ" газетаси иловаси. 2000 йил 12 Апрель № 14 (71)



Хурматли "Чимилдиқ!", аскарлар ҳам сенинг саҳифаларингни интизорлик билан ўқийдилар. Ўзим аскар бўлиб хизмат қилганим учунми, аскарларнинг юриш-туриши ва рухий ҳолатига жуда катта эътибор бериб юраман. Бир куни кутилмаганда хонасига кир-

дорнинг ўлига турмушга бераётган экан. Мактубни ўқигандан сўнг аскарнинг юриш-туриши ўзгариб, жуда ҳам хомуш бўлиб қолди.

Унга кишининг матонатли, сабрли бўлиши, шундагина бирор-бир орзу-умидига эришиши мумкинлигини қанчалар тушунтирмайлик бўлмаяпти.

Наҳотки ота-оналар ўзи азоб чекиб улғайтирган қизини ўз севгани билан оила қуриб, бахтли бўлишига тўсқинлик қилаётган бўлса. Наҳотки ўз қизинингнинг бир дақиқа ҳам юрагидида дард сўзига қулоқ солмасангиз. Қолаверса бу аскарнинг аҳолини кўз

КЕЧИРАЙМИ ЁКИ УНУТАЙ...

Мен А. билан иккинчи курс талабалик давримда танишдим. У жуда ширин сўз, ширин суҳан, менга нисбатан муомаласи жуда ҳам яхши эди. Мен А.ни ҳар кўрганимда унга бўлган ҳурматим ошарди. Қалбимда унга нисбатан қандайдир илиқлик уйғонди. Учрашган сари у билан учрашгим келарди.

Кунларнинг бирида у мени кинога таклиф қилди. Мен рози бўлдим ва биз кинога тушдик. Шунда у мени севишини, менсиз яшай олмаслигини айтди. Кунлар кетидан кунлар ўтди. Иккимизнинг дўстлигимиз севгига

айланганди. Туғилган кунимга энг чиройли кўйлакни совға қилди. Ўша куни қувончим чексиз эди. Шу залда бир-биримизга боғландик. Лекин кўп ўтмай унинг менга бўлган муомаласи ўзгариб қолди. Кейин билсам биринчи курс талабаси Н. исмли қиз билан учрашиб юрган экан. Нима қилишини билмадим. У ҳар нарсадан жанжал чиқарадиган бўлиб қолди. Айниқса у ҳар гал жанжаллашганида совға қилган нарсаларини юзимга соларди. Наҳот севги, муҳаббат нарса ёки буюм билан ўлчанса? Чидолмай совғаларини қайтардим, қалбим узилди. Севгига ишон-

чим йўқолди. А. совғаларни Н.га берибди. Эшитиб баттар ҳўрлигим келди. Унинг ёлгон муҳаббатидан қачондир Н. ҳам мендек азоб чекишини билардим. Мен кутган кун келди. А. Н.ни ҳам аросатда қолдириб яна менинг олдимга келиб "оҳ, воҳ" қилди. Н.ни севмаслигини, мени яхши кўришини, оёғимга тиз чўкиб айтди. Аммо унга энди ишонмайман. Лекин уни севаман. Нима қилай А.ни кечирайми ёки яна тузоққа тушайми?

Феруза,
ЎЗДЖТУ қошидаги
лицей талабаси

ЙИГИТ ЙИҒЛАМАСИН...

с ам бир аскар кўлидаги мактубини кўз ёши билан ўқиб турганини кўриб қолдим. Йигит кишининг йиғлаганини кўриб ўзимни ноқулай ҳис қилдим. Кейин бунинг сабабини билсам хизматга келмасдан олдин севишиб юрган қизининг ота-онаси бошқа мансаб-

ўнгингизга келтирсангиз. Балки бу икки ёшнинг юрагидидаги дардига тушунган бўлармидингиз.

Хурматли "Чимилдиқ!". Биз ёрдам бера олмаган бу дўстимизга ёрдам бер.

Суннатилло ЧОРИЕВ,
Навоий вилояти

ЖАБРАЎЛАНҲАН СЕВГИ

Салом хурматли "Чимилдиқ". Мен сендан ёрдам сўраб хат ёзмакдаман. Сен кўп воқеалар гувоҳсан, энди менинг ҳаётимдаги воқеани ҳам эшитиб кўр. Мен ёшлигимдан, яъни 7-синфдан бери бир қизни севаман, у қиз ҳам мени севади. Мактабда ўқиб юрганимда у қиз билан ўзимни бахтли деб юрар эдим. Мана орадан йиллар ўтди. Ҳозирги пайтда мен Тошкентда ўқийман. 1999 йил мен севган қизниқига уни ҳоласини ўғлидан совчи келиб, у қизни унаштириб қўйишди. Мен қизни онаси билан гаплашдим, лекин бефойда қайтаришни илоҳи йўқ, деди. Мен нима қилишим керак эди? Ҳаётдан кўнглим совиди. Ахир мен бир йил эмас, роса етти йилдан бери у қизни севаман. Барибир ўн йилми, беш йилми фарқи йўқ, балким бир кун ҳақиқатдан юракдан севсанг уни унутмайсан.

Хуллас мен у қиз билан гаплашиб, куёв бўлмишнинг олдида боришга аҳд қилдим. Анча жанжал, ҳар хил гап-

сўзлардан кейин мен у бола билан яққа ўзим гаплашдим. Бунга қарангки у бола "мен ота-онамининг айтгани билан шу қизни олмоқчи эдим, аслидаку менинг севган қизим бор, лекин уйдагилар кўнишмади", деди. Мен бу болани умримда биринчи марта кўрган бўлсам ҳам унга раҳмат дейман. Менинг севгимни қайтариб бергани учун. Ҳозир энди қизни ота-онаси менга беришмаяпти. Ахир айбим нима? Айбим шу қизни севганимми?

Мен шу тарзда хурматли ота-оналаримизга айтмоқчиман. Сизлардан илтимос, ёшларнинг йўлини тўсманглар, уларга бахт тиланглар. Айрим ота-оналар қилган хатоларини сизлар ҳам қайтарманглар. Бўлмасам афсус қилишга кеч бўлади.

ШАҲЗОД,
Сирдарё



СИЗНИ СЕВОЛ-МАСАМ НЕТАЙ...

бир зумда бизни севишганларга чиқариб қўйишди. Хуршиднинг ўртоқлари ҳам бу муносабатимизни худди шундай баҳолашди. Кунларнинг бирида мен учун кутилмаган воқеа — Хуршид менга севги изҳор қилди. Бунинг менга ҳазилдек қабул қилдим ва жавобан мен "сиз ҳам менга ёқасиз" деб айтдим. Минг афсуслар бўлсинки, Хуршид бунинг жиддий қабул қилган экан. Ўша кундан бошлаб менга бўлган муносабатлари ўзгарди. Нима қилишни билмай унга юрагимда

сақлаб юрадиган фақат бир йигитга аталган пинҳоний севгини айтиб бердим. Хуршиднинг шу вақтда қандай аҳволга тушганини тасвирлашга ожизман. Унинг қалбида ўсиб келаётган севги деб аталмиш бир ниҳолни топаб ташладим. Кўлимдан нима ҳам келарди, уни ҳеч қачон севолмайман. Бу фалакка икки қуёш сиймаганидек, бир юракка қандай қилиб икки муҳаббатни сиғдира олардим. Лекин минг

афсуслар бўлсинки Хуршиднинг назарида унинг нурдек тоза муҳаббатини назар-писанд қилмаганга чиқиб қолдим. Ўша дўстлигимизга, муносабатларимизга путур етди. Хуршид, бугун мен муҳаббатнинг оғир изтиробларини бошдан кечириб, сизни тушундим.

Сизга берган озорларим учун узр сўрамоқчиман. Кўлингиздан келса кечиринг. Бир нарсани жудаям истардим, мен туфайли қизларга бўлган ишончингиз йўқолмасин. Севинг, севилинг...

ФАРИДА,
ЎЗМУ талабаси

К Е Л И Н С А Л О М

Аввал бошлаб Оллони,
Ёд этали ёронлар.
Пайғамбарлар руҳини,
Шод этали ёронлар.

Одамзотни отаси
Одам Атога жуп салом!
Одамзотни онаси
Хова онага жуп салом!

Дарвозани кенг очган,
Бори буруни сочган.
Қайнонасига жуп салом!

Ўғил уйлантириб, муродига етган,
Юракдаги армони кетган
Қайнонасига жуп салом!

Леҳакинда доли бор,
Оқ юзида холи бор
Қайин момосига жуп салом!

Томоғини ёғлаган
Белини маҳкам боғлаган
Қайинг дойиларига жуп салом.

Қоши кўзи зулукдин
Оғзи-мини пилиқдан
Қайинбика, билдизларига жуп салом!

Паҳса оша қараган,
Тўй қачон деб сўраган,
Қўшилларига жуп салом!

Тандир-тандир нон ёпган,
Ёрисини хом ёпган,
Нон ёпарларга жуп салом!

Бўй-баста полвондин,
Урушиб тургон қўчқордин
Гияв жўралара жуп салом.

Ўн тўрт кунлик ойдин,
шарқираб оққан сойдин
Галин чиқанлара жуп салом!

МЕН
ВА У

Икром ОТАМУРОД: СЕНИ КЎРСАМ ДИЛДАН АРМОН КЕТГУСИ

Маним кангума чизмиш тасвирини
зулфизар соғинчлар, фариштам.
Хуснингнинг ман каби зор-асирини
битиғида захроба ракам.
Сени севмоқ камдир, ўйламоқ камдир,
қўйингдан адолик — муқаддас жазо.
Карашмангда олам ишваси жамдир,
ғамзангда кавнайи нози руҳафзо.
Эмганган, синиққан руҳимни марғуб
айлайди қарошинг суманбар.
Қайдадир гуллайди чечаклар ёргуб,
қайдадир ўрмалар туманлар.
Мен сени ўйлайман, ўйлаб қоламан,
хаёлим риштаси узилган.
Соғинчдан ситилган узук толаман —
нигоҳи сен сари чўзилган.
Соғинчим титилар, соғинчинг титиб.
Сенга не дей? Оҳлар. Тўлиш. Тўкилиш.
Мен суйган сўз — мангу сукутга кетиб,
ёнингда жимгина уз-о-оқ тикилиш.

Сенга аталган гапларни кўмишга,
Ўзимда топаман шафқатсиз бардош.
Тоқат-да, сабр-да топаман кўнишга,
Мен — дийдаси қаттиқ,
Мен — дийдаси тош.

Ташна йўловчидек ютавераман,
Ютавераман танимга дардларни.
Кўрсам-да, жимгина кетавераман,
Кўзларинг ўқталган таъна зардларни.

Қалбим деворлари боради занглаб,
Тўлишади нафрат деган шевадан.
Олисда нурафшон отади тонглар,
Қуёш чиқиб келар кулиб тевадан.

Сен — ширин азобим,
аччиқ мурувват,
Қисмат менга ато этган ўчи-да;
Азобдан куч олиб ва олиб қувват
Дардларим кўкарар ичимда.

Кунлар тунга етар хаёлинг билан,
Тунлар тонгга етар хаёлинг билан,
Қон ютиб тонг отар хаёлинг билан,
Сен буни билмайсан, билмайсан, эркам.

Дардларим зил-замбил, юрагим қаро,
Қисмат саҳросида қидириб чора,
Саргардон, саргашта мен бир бечора,
Сен буни билмайсан, билмайсан эркам.

Кўнглимда туманлар, умид бекордир,
Соғинчларим саффо — сўниб бекордир.
На умид, на соғинч, дунё бекордир,
Сен буни билмайсан, билмайсан, эркам.



Сени кўрсам дилдан армон кетгуси,
Саргардон битгуси, сарсон
битгуси,

Шабистон етгуси, шаъбон етгуси,
Менинг оҳим, менинг шоҳим, менинг
моҳим.

Мискин бу жонимнинг бардоши
бўлгин,
Ҳақир иймонимнинг қўлдоши бўлгин,
Ғариб паймонимнинг йўлдоши бўлгин,
Менинг оҳим, менинг шоҳим, менинг
моҳим.

Мурувват борки — сен, меҳр борки —
сен,
Футувват борки — сен, сеҳр борки —
сен,
Туфувват борки — сен, қаҳр борки —
сен,
Менинг оҳим, менинг шоҳим, менинг
моҳим.

Мулки борлигиндан бир имо раво,
Қандай мўъжизасан, қандайин маво,
Атони куйдирган, сен — Момо Ҳаво,
Менинг оҳим, менинг шоҳим, менинг
моҳим.



Шайх Санъон ўз замонасининг
пири муршиди, илму ир-
фон, каромату кашфда ягона
эди. Унинг қамолоти ҳақида сўз
айтиш ортиқча, чунки Макка-
нинг ўзида эллик йил шайхлик
қилганди. Тўрт юзта муриди
бор бўлиб, ҳар бири тариқат-
да бир ёрқин сиймо эди.

Даврнинг ягонаси бўлган бу
улуғ муршид бир кеча туш
кўрди. Тушида кўрсаки, Румда
(Туркия)да юрган эмиш ва бир

тикилди. Не ажабки, шу
пайт тарсо қизи юзидан ҳарир
қора парда кўтарилди — булут
ортидан қуёш чарақлаб чиққан-
дай олам мунаввар бўлди. Шайх
Санъон бу гўзал чехрани кўрдию
ўзини йўқотди, ҳолсизланиб,
аъзойи бадани бўшашди. Авва-
лида сир бой бермасликка ҳара-
кат қилиб кўрди, аммо ишқ ота-
ши нишона уриб, атрофидаги-
ларга сирини ошкор этди. Бу қиз
ўша Маккада шайх тушига кир-
ган санам эди.

Ошуфта ошиқнинг подшоҳи

Шайх Санъон, наҳотки бу
тунларнинг охири кўринмаса, на-
хот менинг қуёшим порлаб чиқ-
маса?

Шайх Санъоннинг муридлари
ийғлашиб, унинг кўнглини кўтар-
моқчи бўлдилар. Шайх-санъо-
га сўз таъсир қилмади. Мурид-
ларнинг қалби қонга тўлди.

Шайх Санъон тарсо қизи уйи
томон йўл олди. Қизнинг уйига
кирмоқчи бўлганди, аммо хиз-
маткорлар уни қувиб ҳайдади-
лар, орқасидан итларни қўйиб
юбордилар. Шайх ноилоҳ ташқ-
арига чиқиб турди, ташқарида
нигори уйининг тупроқ йўлида

коватли муриди бор эди.
Шайх Румга кетган вақтда у Мак-
када эмас эди. Муридларнинг
шайхсиз қайтиб келганини
кўриб, кўнгли бузилди ва улар-
дан пирининг аҳволини сўради.
Биродарлар унга шайх бошига
тушган савдони бир-бир ҳикоя
қилиб, унинг ошиқ бўлгани, тар-
соларга қўшилиб майхўрлик қил-
гани, ҳозирги вақтда чўқбоқар
бўлиб юрганини айтиб бердилар.
Севимли шогирд не бўлса ҳам
устоз билан бирга бўлармиз, деб
барча муридларни олиб, Рум

ТАРСО ҚИЗГА ОШИҚ ШАЙХ

бут-санамга сажда қилаётган
эмиш. Кўнгли бедорларнинг
бедори, огоҳларнинг огоҳи
бўлган бу улуғ шайх кўрган ту-
шидан ғамчин бўлди: эй атанг,
имон элтай деб шунча жон чек-
дим, наҳотки, тоатларим худо-
ванди каримга маъқул бўлма-
ди?

Оқибат Шайх Санъон му-
ридларини йиғиб, Румга бо-
ришни ният қилганини айта-
ди. Шайх билан муридлари
бир неча ой йўл юриб, охири
Рум мамлакатига етиб келди-
лар. Улар бир шаҳарнинг кўча-
ларидан ўтаётганда, баланд
айвонли ҳашаматли бир бино-
га кўзлари тушиб, унга яқин-
лашдилар. Баланд айвонда
бир гўзал насроний қиз ўти-
рарди. Руҳоний қиёфали (мо-
нах қизи) бу насроний қиз хус-
ну жамолда тенгсиз, нафосат
оламининг қуёшидай порлаб
турарди. Унинг жамолига
қараганнинг кўзи қамашар,
ақлу хуши шошар эди.

Қизга яқинлашганда, Шайх
Санъон отини тўхтатиб, унга



ҳам амру фармон берувчиси
ҳам маъшуқадир. Бу дарднинг
бедаволигини ишқ дардига ча-
линганлар билади, бедардлар
буни қаердан билсин? Шайх
учун кеча ва кундуз баробар эди.
Кундуз кечадай қоронғи, тун эса
фироқ зулматидай узун ва ваҳи-
мали эди.

Эй худо, деб нола қиларди

дан, имондан қайтасан.

Шайх Санъонни маст ҳолида
ибодатхонага олиб келдилар ва
белига зуннор боғладилар. Шайх
ўз динидан кўнглини узди. Каъ-
бани ҳам, шайхликни ҳам бут-
кул эсдан чиқарди.

Муридлар чора тополмай Каъ-
бага қайтди.

Шайх Санъоннинг яна бир за-

сари йўлга тушди. Ҳар бирлари
қирқ кеча-кундуз мақомдан бош
тортмай, дуо қилдилар, шафоат
тиладилар. Муридлар кўзларида
ёш, отлик ва пиёда дашту биё-
бонларни босиб, шайх манзили-
га етишди. Шайхни кўрдиларким,
аввалгидай чўқбоқарлик қилар,
аммо беқарорликдан қуриб, қоқ
суяк бўлиб қолган эди. Шайх ўзи-
нинг содиқ муриди кўрди,
аҳволи ўзгарди. Қалбида бир
илоҳий учкун лип этиб ёнди, ҳақ
билан розлаша бошлади. Ноқус
— кўнғироқни ҳам, зуннорни ҳам
ташлади. Шайх Санъон ёрлари
— муридларини узокдан кўриб,
гўё ўзини нур ичра сездди. Хи-
жолат чекиб, тўнини пора-пора
қилди, афсус-надомат чекди.
Шайх Санъон таҳорат олиб по-
кланди, намоз қилди ва хирқа-
сини эғнига кийди. Сўнгра Каъ-
ба сари йўл олди.

Шайх Санъон Румни тарк
этиб, Маккага қайтганидан кей-
ин тарсо қизи туш кўрди. Уйку-
дан уйғонгач, қалбида нур шуъ-
лаланаётганини ҳис этди, гўё
офтоб ичидан порлаб турарди.

Кўнглида ажиб бир дард пай-
до бўлди ва қарорини олди.
Энди қизнинг вужудини ишқ
оташи қамраганди. Кўнглида-
ги оташ шундай ўртар эдики,
ҳеч нарсага қўли бормас, ҳеч
нарса билан овунамас эди. Қиз-
нинг бошига иш тушган эди,
бу — муҳаббат. Бу дардни би-
ровга айтиб бўлмас, роздону
ҳамдами ҳам йўқ. Оҳ уриб, кий-
имларини йиртиб, ташқарига
отилди, сочларини ёзиб, дево-
налардек лаҳза-лаҳза беҳуд
бўларди. Қиз тоқат қилолмай,
шайх ва муридлари орқасидан
йўлга тушди. Қизнинг аҳволи-
га одамларнинг раҳми келар,
чунки у ожиз, беқарор эди.

Тарсо қиз воқеасини Шайх
Санъонга етказдилар, тарсо
қизи тарсоликдан чиқибди,
бизнинг динга кириб, мусул-
мон бўлибди, энди у сенга
ошиқи беқарор деб айтдилар.
Шайх буни эшитиб, қизнинг
олдига борди ва у билан суҳ-
батлашди.

Муридлар унга таъна қилиб,
яна бут-олдига бордингми, тав-
банг қаёқда қолди, азобларин-
гни унутдингми, дедилар.

Шайх Санъон қизнинг аҳво-
лини уларга тушунтирди, тар-
со қизи ҳақ йўлга кирганли-
гини билдирди. Муридлар
буни эшитиб, ҳайрон бўлдилар
ва қизга раҳмлари келди. Қиз
ўз дардининг сабабчиси шайх-
ни кўргач кўзлари тинмай ёш
тўқарди.

Агар қиз тонгда вафот этган
бўлса, Шайх Санъон туш пай-
тида жон берди. Ошиқу маъ-
шукнинг тобутини изма-из
кўтардилар. Шайхнинг қабрини
қизнинг қабри ёнидан қазиди-
лар, иккаласини ёнма-ён туп-
роққа қўйдилар, ошиқ ва маъ-
шуклар пири хутба ўқиди, жон
ила жонон бирлашдилар, ошиқ
ва маъшук бирга эдилар. Гўё
улар бирга тирик эдилар, васл
нашидасини, бирлашиш лазза-
тини татиб кўрардилар.

Фарзанд оила қувончи, бахти. Фарзанд ота-она кўзининг нури, белининг қуввати. Фарзанд авлодимиз давомчисидир.

Бироқ шундай ҳам бўладики, келин-куёв бирга яшаётганларидан бери бир-икки йил вақт ўтганига қарамай, оилада фарзанд бўлмайди.

Бефарзандлик сабабларини аниқлаш ва унга даво қилиш замонавий гинекология амалиётидаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, бефарзандлик мустақил касаллик ҳисобланади. Ҳар ўнта келин-куёвдан биттаси бола кўрмасликдан азият чекади. Эр ёки хотиннинг, ёки бўлмаса, икковининг жинсий орган ва системалари фаолиятидаги етишмовчилик натижасида фарзанд кўрмаслик мумкин.

Фарзанд кўрмасликка асосан аёлнинг касаллиги сабаб бўлади, деган нотўғри тушунча бор. Маълумотларга кўра, бефарзандликнинг 60 фоизига аёлнинг касаллиги, 10 фоизига эр-хотиндаги касалликлар сабаб бўлса, 30 фоизига эса эр айбдор бўлади. Кўпинча бунда уруғ суюқлиги тўла сифатли бўлмайди, яъни унда сперматозоид бўлмайди ёки улар чала ривожланган бўлади.

Бирламчи бефарзандлик. Агар турмушга чиққандан кейин 2-3 йилгача аёлнинг бўйида бўлмаса, бу бирламчи бефарзандлик дейилади.

Бирламчи бефарзандликка жинсий органларнинг туғма нуқсонлари ёки аёл организми шаклланаётган даврда ташқи муҳитнинг ноқулай таъсирлари оқибатида бу органларнинг чала ривожланиши, яхши овқатланмаслик, овқатда витаминларнинг етишмаслиги сабаб бўлиши мумкин. Бундай аёллар умумий жисмоний ривожланишдан орқада қолади ва жинсий органлари чала ривожланади (инфантилизм). Бунда бачадон ҳажми кичик, бачадон бўйи узунроқ ва шакли ўзгарган, бачадон найчалари эгри-бугри ва узун бўлади. Инфантилизмда қизда ҳайз кўриш кечикади (17 ёшдан кейин), унинг цикли узоқ вақтгача изга тушмайди, ҳайз қони кам келади. Уларнинг бачадони кўпинча нотўғри жойлашган, орқага букилиб қолган бўлади.


Қизалоқнинг жинсий органлари чала ривожланмаслиги учун бўлажак она ҳали ҳомиладорлик даврида ҳаракат қилиши керак. Чунки аёл ҳомиладорлик даврида касал бўлиб қолса, бу қориндаги бола аҳволига таъсир этади. Масалан, она кам-

қонлик, ҳомиладорлик бошқоронг-иликлари бошидан кечирса, до-рилари пала-партиш ичса, ақлий ва жисмоний жиҳатдан толиқса, руҳий изтироблар чекса, булар ҳомилага ёмон таъсир этиши мумкин.

томир системасида ўзгаришлар содир бўлиб, улар бирмунча зўриқади. Шунинг учун ота-оналар, тарбиячилар мактаб шифокорлари ўсмирларга эҳтиёт бўлиб муомала қилишлари, уларни жисмоний ва ақлий зўриқишлардан

БЕФАРЗАНДЛИК

У ОИЛАНИНГ ЭМАС, ЖАМИЯТНИНГ ҲАМ ТАШВИШИ



Қиз болани ёшлигидан озода тутиб, парвариш қилиш керак. Яхши овқатланиш, спорт билан шуғулланиш, юқумли касалликларга қарши ўз вақтида эҳтиётдан эмлаш катта аҳамиятга эга.

Ота-оналар қизга балоғатга етиш даврида (8-15 ёш) катта эътибор беришлари лозим. Бу даврда ички жинсий органларда, нерв, юрак-

эҳтиёт қилишлари керак. Биринчи марта ҳайз кўрганда қизга озода бўлиб юришни ўргатиш лозим.

Иккиламчи бефарзандлик. Бу кўпинча аборт қилгандан кейин, айниқса биринчи фарзандини аборт қилдиргандан сўнг рўй беради. Аборт қилдирганда жинсий органлар ички муҳити ўзгаради ва ички органлардаги касаллик кўзгатувчи микробларнинг кўпайишига имконият туғилади, найчалар яллиғланиши туфайли ўз вазифасини тўғри бажара олмайди, унинг девори шикастланади. Бачадон найлари яллиғланиши туфайли тухум ҳужайралар яхши сурила олмайди.

Бачадон найларидаги бундай ўзгаришларга шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик, озода юрмаслик сабаб бўлади.

М.СОДИҚОВА

КАМОЛОТ ДАВРИ

Балоғат ёши — инсон ҳаётида унинг гуллаб-яшнашдан далолат берувчи давр ҳисобланиб, у йигитларга қараганда қизларда 2-3 йил олдин бошланади. Бу даврда жинсий безлар ривожланиб бориши натижасида, ҳар бир жинс учун характерли бўлган иккиламчи жинсий белгилар пайдо бўла бошлайди.

Оналар қизларига етарли маълумот берган бўлишлари керак. Балоғатга етган киши ўзини қандай тутиши кераклигини, айниқса, жинсий аъзо гигиенасига риоя қилиш тўғрисида она кечиктирмай қизи билан суҳбатлашиши лозим.

Ҳайз кўриш 13-14 ёшда бошланиб, аммо эрта расида бўлганларда 9-10 ёшдан, кечкиларда 16-17 ёшдан ҳам бошланиши мумкин. Бу пайтда ваннада ювиниш бу пайтда мумкин эмас. Бу даврда ички кийимларни тез-тез алмаштириб туриш, душда илиқ сувда ювиниш, хуллас, жуда озода юриш керак. Аччиқ овқатлар ейиш, ичкилик ичиш тавсия қилинмайди, чўмилиш, оғир меҳнатлардан тийилиш лозим. Одатда ҳайз ҳар 21-28-35 кунда такрорланиб унинг бу муддатдан эртароқ ёки кечроқ бошланиши организмда бирор ўзгариш бўлганлигидан дарак беради. Ҳайзнинг давом этиш муддати уч-беш кун бўлиб, камдан-кам ҳолларда бир-икки кун ёки ҳафтага чўзилади.

16-17 ёшга тўлган қизларда она бўлиш, ҳомиланинг тараққий этиши ва бола туғиш учун ҳали нормал шароит вуҷудга келмаган бўлади.

Илмий текширишлар шуни кўрсата-

дики, йигит ва қизлар 18 ёшга етганда морфологик ва физиологик жиҳатдан (бош мия, скелет, мускуллар, ички секреция безлари хусусан жинсий аъзолар) эндигина такомилга етган бўлади. 18 ёшга тўлмасдан турмуш қуришнинг аксарият ҳолларда йигитга ҳам, қизга ҳам салбий таъсир кўрсатиши илмий равишда исботланган.

Айрим йигит ва қизлар бир йил олдинроқ балоғатга етишлари ҳам мумкин. Бу ҳол республикамизнинг жанубий вилоятларида яшовчи ёшлар ўртасида кўпроқ кузатишган. Бунга сабаб иқлим шароитининг иссиқлиги, ташқи муҳитнинг одам организмга таъсири натижасидир. Бироқ илмий маълумотларнинг кўрсатишича, оилавий ҳаёт қуришга 18 ёшдан олдин шошилмаслик лозим.

Никоҳ қуриш аввало фарзанд кўришдек мураккаб физиологик функциялар билан алоқадор бўлганлиги сабабли, жуда эрта турмуш қуриш кўпинча фарзандсизликка, боланинг ой қуни етмай туғилишига ва шунингдек, ҳомиланинг нотўғри ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Илмий маълумотларга кўра, қизлар ва йигитлар деярли 20 ёшдан кейингина анатомик ва физиологик жиҳатдан бутунлай камолотга етадилар, баъзи ҳолларда йигит ва қизларнинг ўзига хос иқлимга оид хусусиятларини, етилиш кўрсаткичларини ҳисобга олиб, бу ёшни бироқ қамайтириш мумкин.

Олимларнинг маълумотларига кўра, қизлар 20-22 ёшда, йигитлар 23-25 ёшларда турмуш қурганлари маъқул.



ИСИРИҚНИНГ ИСИ ЯХШИ

1. Шамоллаганда, бурун битганда, тумов, гриппга чалинганда исирик тутатилади. Бу нафас йўллари очади, вирусларни ўлдиради.

2. Қишга сақлаётган мева ва сабзавотларни моғор босганда исирик тутатилади. У моғор пуфаклари фаолиятини тўхтатади.

3. Томоқ оғриганда, тутқаноқ тутганда исирик донидан табиий дори сифатида фойдаланилади. Катталар учун 10 дона, ёш болаларга 3-4 дона.

4. Исирик дони юракка даво. Илгари валидол, нитроглицерин, валерьянка, волокардин каби дорилар бўлмаган. Ушбу дорилар ўрнида ҳам исирик донини ютиш тавсия этилади.

5. Тиш оғриганда нўхот ивигилган сувга исирикни солиб қайнатиб, иссиқда оғиз чайилса оғриқни босади. Муолажа икки кун олти мартадан бажарилади.

6. Оёқдаги томирлар шишса, беланга бўлганда, қўл ва оёқ шамоллаганда исирик қайнатмасидан ванна қилинади.

7. Бир қошиқ қора чой, исирик донидан қайнатиб ичилса пешобни ҳайдайди.

8. Исирик тез-тез уй ичида дудлатиб турилса, суварак, пашша, чивин сиқонларни ҳайдайди.

Биргина исирикнинг шунча хусусияти бор экан. Воҳамизнинг кўпгина ҳудудларида ўсиб ётибди, лекин унга бўлган эътибор унчалик қониқарли эмас. Ўлкамиз жаннатмакон бўлгани билан биз ўзимиз унинг қадрига етишимиз керак. "Ётиб еганга тоғ чидамас" дейдилар. Шунинг учун исирикдан тижорат соҳасида фойдаланилса, шифобахш дори-дармонлар тайёрлашда масъулият кучайтирилса яхши бўларди.



Узоқ вақт учрашмаган дугоналар аэропортда кўришиб қолишди.

— Ие, Бибиражаб, ўзингми-сан, ўзгариб кетибсанми, қаёқдан келяпсан?

— Кисловодскдан қайтдим.

уллади. Кейин "гилт" этиб ютди, тўғриси ночоргина ахволидан уялди. Бунини сезган Бибиражаб дарров мақсадга кўчди.

— Агар сен ҳам беш-олти сўм орттираман, одам қаторига қўши-ламан десанг, пул жамғар, кейин ўзим йўл кўрсатаман сенга.

Ўз-ўзидан мўмай пул дарагини эшитган аёл бир неча кун ичи-да 150 минг сўм топиб қўйишни айтди. Айтилган сўз, отилган ўқ. Белгиланган кун Бибиражаб дугонаси Урганч шаҳрида исти-комат қилувчи Онабиби Искан-дарованинг уйида пайдо бўлди. Онабибининг паспорти ва 150 минг сўм пулни қўртдек санаб, олиб кетди. Шу кетганча Биби-

кетган. Улар Бибиражабга йиғиб қўйган пулини бериб "бугун-эрта бир сўмимиз икки бўлиб қайта-ди", дея "тик" этса эшикка қараб ўтирган пайтда фирибгар такси ёллаб Урганч ва Хива шаҳарла-ри орасида ресторанма-ресто-ран ялло қилиб юраверган.

Бузоқнинг югургани сомонхо-нагача. Фирибгар кўп ўтмай фош бўлди. Унинг чуви чикди. Б.Ота-шевага жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "А" ва "Б" бан-длари билан жазо тайинланди. Энди у гулдай умрининг бир неча йилини панжара ортида ўтказди. Кези келганда унинг чиройли гапларига, аниқроғи

ЧУВИ ЧИКАДИ

Ехуда бир фирибгарнинг тузоғига илинган анқовлар

Тижорат, бир томони дам олиш деганидай... - сирли жилмайди суҳбатдоши.

— Пичоғинг мой устидами, дейман?! - дугонаси Бибиражабнинг башанг кийинганига ишора қилиб суқланиб назар ташлади.

— Савдо-сотикда гап кўп экан, чиконжон (ўрток маъносида). Россияга қатнаёпман. Камёб молларни арзон-гаровга олиб сотаман. Тижоратга қўл урганимга бир йил ҳам бўлмади. Янги машина олдик, иморат қурдик. Ўзингдан қолар гап йўқ, ҳаракатда баракат деганлар. Хўш, ўзингнинг ишларинг қалай? Ҳалиям юрибсанми ойлик маошга кўз тикиб?!...

Бибиражабнинг дугонаси бош ирғаб унинг гапини маъқ

ражаб қорасини ҳам кўрсатмади. Уни кутавериш тоқати тоқ бўлган Онабиби Бибиражабнинг уйига борди-ю, "тижоратчи"га пул бериб оёғидан илинган, ўзига ўхшаганларни учратиш тилини тишлаб қолаверди...

Ха, урганчлик Бибиражаб Ота-шева ўзи ёш бўлса-да, фириб-гарликнинг қинғир кўчасига аллақачон кириб улгурганлардан. У соддадил ёки осон йўл билан пул топиш пайида бўлган одамларнинг ишончини қозониб, мен йирик тижоратчиман, менга берган пулингиз пул туғаверади, дея уларни лақиллатиб келган. У фирибгарлик йўли билан хонқалик З.Камоловадан 300 минг сўм, урганчлик Ф.Бобожоновадан 21 минг сўм, Мунаввар Самандаровадан 30 минг сўм пулни олиб

алдовларига учиб, ўзларининг тўйга, яхши кунларга деб пуллари-ни қўш-қўллаб Бибиражабга тутқазиб юборган айрим фуқароларнинг соддалигига таажжубланасан киши. Дуч келган одамнинг кўкрагига уриб "мен ундай қиламан, мен бундай қиламан", деган куруқ ёлғонларга лаққа тушиш соддаликми ёки анқовлик?! Қолаверса бировга пул беришнинг қонуний йўл-йўриги бор. Эндиликда Бибиражабга пул бериб юборганларнинг пушаймони ичида, аммо кейинги пушаймон ўзинга душман.

Тоҳир БОБОЖОНОВ,
судья,
Тузалбой РАХИМБОВЕВ,
журналист

"БАХТЛИ ОИЛА"

Оила тинч-тотувлиги кўпинча ота-онанинг масъулиятига боғлиқ, дейишади. Шундаймикан?

Эндигина мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўяётган келин-куёвлар бахтли оилани қандай тасаввур қилишади? Қуйидаги саволларимизга энг мазмунли жавоб йўллаган мухлислар танловимизнинг ғолиби бўлиши мумкин.


1. Сиз ота бўлганингизда фарзандингизни қандай тарбия қилардингиз?
2. Болаларингиз сиздан ҳар жиҳатдан фарқланиши зарурми?
3. Ўз зурриёдингиз ўзингизга бўйсунмади, унда...

Жавобларингизни "Бахтли оила" танловига деб йўлланг.

1. Аввало оналик меҳрини фарзандларимга етказа олишим зарур, деб ўйлайман. Бола кўнгли нозик бўлади. Шунинг назарда тутган ҳолда агар у номақбул иш қилган вақтда иложи борица яхши гапираман. Бу иши яхши эмаслигини, акс ҳолда қандай салбий оқибатлар келиб чиқишини уқтираман. Вақтимнинг кўпроқ қисмини улар билан ўтказишга ҳаракат қилар-

шу билангина фарқланиши-ни истайман. Мен орзу қилиб армонга айланган ис-такларимга албатта фарзандим етишсин дейман.

3. Аввало айбни ўзимдан ахтарардим. У менга бўйсунмаяптими, демек мен тарбиянинг қайсидир томонида адашдим. Бу хатони тўғрилаб бўлар, аммо она-га нисбатан қилинган муо-мала — хусусида у билан



КИМНИ ТАРБИЯЛАШ ОСОН: ҚИЗНИМИ ЁКИ ЎГИЛНИ?

Тестнинг 1, 7, 9, 10-саволларига ижобий жавоб берсангиз 2 очкодан, 2, 3, 5, 6, 8, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20-саволларга салбий жавоб берсангиз ҳам 2 очко белгиланг.



1. Қизлар ўғил болаларга нисбатан гапга тез кўнади.

2. Қизлар табиатга яхши муносабатда бўлади.

3. Ўғил болалар мураккаб вазиятларга яхши баҳо беради ва улар мантиқан фикрлайди.

4. Ўғил болалар қизларга нисбатан ўзини кўрсатишни кўпроқ ёқтиради.

5. Ўғил болалар аниқ фанларга лаёқатли.

6. Қизлар хасталик ва қийинчиликларга кўпроқ таъсирчан.

7. Қизлар ўз фикрларини яхши ифодалай олади.

8. Ўғил болаларда кўриш,

қизларда эшитиш қобилияти яхши ривожланган.

9. Ўғил болалар очик жойда ўзларини яхши ҳис этадилар.

10. Ўғил болалар сержаҳл.

11. Қизлар жонсарақ эмас.



12. Қизлар кўпчилик даврасида бўлишни ёқтиради.

13. Қизлар меҳрибон.

14. Қизлар ўзгалар таъсирига берилишга мойил.

15. Ўғил болалар тадбиркор.

16. Қизлар кўрқокрок.

17. Қизлар кўпинча кайфиятсиз ҳолатда юради.

18. Қизлар бир-бири билан кам уришади.

19. Ўғил болалар ўзларининг кимлигини кўрсатиб қўйишни ёқтиради.

20. Ўғил болалар ижодиётга кўпроқ қизиқади, қизлар эса бир хил юмушни ҳар куни бажаришдан чарчамайди.

Натижаларни ҳисоблаймиз:

0-12 балл. Сизнинг қизлар ва ўғил болалар ҳақидаги тасаввурингиз мутлақо нотўғри.

14 дан 26 баллгача. Жинслар руҳиятини билмайсиз. Шу сабабли ўғил болаларни тарбиялашда кўп хатоларга йўл қўйишингиз мумкин. Фарзандларингиз тарбиясига ижобий ёндошингиз.

28 дан 40 баллгача. Сиз қиз ва ўғил болалар билан қандай муносабатда бўлишни биласиз. Фарзанд тарбиясида ўзингизнинг ички туйғуларингизга таянинг. Ана ўшанда ўғлингизни ҳақиқий йигит, қизингизни бахтли аёл қилиб тарбиялай оласиз.

Айиз қизингиз МАДИНАХОН!

Сени туғилган куниги билан табриклаймиз. Ҳаётинг норлоқ бўлсин, қалаган ҳар бир кунинг аманга ошсин. Келажақда барга орзу қиладиган бахт эгаси бўлиб юришингни Аллоҳдан сўраб қолаймиз.

Аданг, ойижонинг ва укаларинг

Биз ушун қадри билан дўстларингиз АҚРАМЖОН ва СОБИРЖОН!

Сизларни ҳаётингизда энг қувватли кун — 15 апрелда нишонлайдиган тавабид айелнингиз билан тил юракдан табриклаймиз. 22 баҳорингиз сизларга бағрида тифла себинг ва шодлик олиб келсин. Омад ҳамроҳингиз бўлишини тиллаб

Бир гуруҳ дўстларингиз ва оила аъзоларингиз номидан **УБАЙДУЛЛО ва ДИЛШОД**

"ЧИМИЛДИК"

"ТУРКИСТОН" ГАЗЕТАСИНING ИЛОВАСИ

ИЛОВА ИЖОДКОРЛАРИ:
ЛАЙЛО, ЯШНАР, ЗИЁДА,
ШАХНОЗА

САҲИФАЛОВЧИ: БАХТИЁР



бахсларига тайёр-гарлиги хусусида суҳбатлашди.

— Боксдаги фаолиятининг илк босқичлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Ўзбек бокс юлдузи Руфат Рискиев жаҳон чемпионлиги-

Айтингчи, қайси Олимпиада-нинг саралаш бахсларида йўлланмани қўлга киритиш машаққатлироқ кечди?

— Тўғри, 1995 йилда Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионатида Атланта Олимпиадасига йўлланма олиш учун илк бор қатнашаётганим сабабми, ҳаяжон устунлик қилди. Натижада финал бахсида мўғулистонлик рақибим-

кўтаринки руҳ билан ҳаяжонлар-сиз ҳаракат қилишимизда бунинг қўл келиши табиий. Шу маънода Туркияда ўтадиган халқаро мусобақа ҳамда Россия, Украина, Ўзбекистон, Қозоғистон олимпиадачиларининг Москва ўртоқлик учрашувлари каби беллашувлар биз учун катта синов бўлади.

— **Олимпиада финал бахсида қайси давлат вакили сизга**

йўлда бизга ҳар томонлама ҳайрихоҳлик билдираётган давлатимиз ҳамда федерациямиз раҳбариятига боксчилар номидан миннатдорчилигимизни изҳор этаман. Сиднейда уларнинг ишончини оқлаб, Ватанимизга ёруғ юз билан қайтишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Бизнинг маълумот:

М.Абдуллаев — 1973 йил 15

АТЛАНТА АРМОНИ СИДНЕЙДА УШАЛАДИ

ни қўлга киритган кезларда отам — Муҳаммадқуб ака унга ихлос қўйиб, келажагимни шу спорт тури билан боғлашни ният қилган эканлар. Шу мақсадда 1985 йил

12 ёшга тўлганимда Андижондаги "Спартак" болалар ва ўсмирлар спорт мактаби оstonасига қадам қўйдим. Бошланғич бокс сирларини шу ерда Турдиали Ўзгунов ва Шухрат Абдуллаевлардан ўргандим. 1987 йилдан бошлаб Андижондаги республика Олимпия ўринбосарлар билим юртида Лочин Кўчқоровдан сабоқ ола бошладим. Ҳозирги кунларда Марс Кўчқоров ва Александр Размахов каби устозларимнинг ўғитлари етук спортчи бўлишимда асқотаётир. 1990-91 йилларда ўсмирлар ўртасидаги собиқ Иттифоқ биринчилигида голиб чиқишим дастлабки муваффақиятим бўлди.

— **Бу йил Олимпиада бахсларида иккинчи марта юртимиз шарафини ҳимоя қиласиз.**

га имкониятни бой бериб, кумуш медаль соҳиби бўлгандим. Олимпиада беллашувида ҳам омад мендан юз ўғирди. Шундан буён тинимсиз маҳорат ва тажриба оширишга интилдим. Халқаро мусобақаларда тобланиб, юсак натижаларга эришиш натижаси ўлароқ, Сидней Олимпиадаси саралаш бахслари нисбатан осонроқ кечди. Ўйламанки, Атлантадаги армоним Сиднейда, албатта, ушалади.

— **Маълумки, Ўзбекистон боксчилари 10 та лицензияни қўлга киритиб, қитъа пешқадами бўлишди. Олимпиада бахсларида ҳам юқори натижаларга эришиш учун қандай тайёргарлик кўриляётир?**

— Осиёча бокс мактаби сир-синаотлари бизга беш қўлдай аён. Шунинг учун мураббийларимиз Олимпиада арафасида Европа, Америка, Африкада ўтказилаётган халқаро мусобақаларда қатнашиб, уларга хос тажриба ва маҳоратни шакллантиришимизга кўпроқ эътибор қаратишмоқда. Рақибларимизнинг нозик томонларини ўрганиш, рингда

рўбарў бўлади, деб ўйлайсиз?

— Бунинг олдиндан айтиш қийин. Ҳар бир мамлакат вакили ўз имкониятини юқори баҳолайди. Шундай бўлсада, тахмин қилиш мумкин — кубалик ёки америкалик боксчи билан финалда учрашсам керак. Менинг вазним бўйича рингга чиқадиган россиялик, руминиялик, чехиялик, франциялик ҳамда германиялик чарм қўлқоп усталари ҳам жиддий рақиблардандир.

— **Сир бўлмаса, ўзингизга хос жанг олиб бориш санъати ҳақида гапирсангиз.**

— Рингда рақибим ким бўлишидан қатъий назар, унга ҳурмат билан қарайман. Унинг зарбаларидан темир қалқондек ҳимояланиш услубига эгаман. Яқин масофадан жанг олиб бориб, қутилмаган зарбалар билан гангитиш пайида бўламан.

— **Келажақдаги эзгу ниятларингиз?**

— Биринчи галдаги мақсад, Сидней Олимпиадасида Ватанимиз байроғини юқори кўтариб, фақат олтин медаль учун бел боғлаганман. Таъкидлаш жоизки, бу

ноябрда Андижон вилоятида туғилган. **Муҳаммадқуб ака ва Махфиратхон аянинг уч қизи орасидаги ёлғиз ўғли. Уйланган, икки қизнинг отаси.**

Бокс оламида эришган ютуқлари: Ўсмир ва ёшлар ўртасида бир неча бор собиқ Иттифоқ чемпиони. Республикада ўз вазн тоифасида кўп марта чемпионлик нашидасини сурган. Олимпиада, Осиё, Жаҳон чемпионати ва Кубоги бахслари иштирокчиси, Туркия ва Эрон халқаро турнирлари голиби. Осиё чемпионатининг олтин ва кумуш медаллари соҳиби, Руминия ва Франциядаги халқаро беллашувларда энг яхши натижага эришиб, "Олтин камар"ни икки бор қўлга киритган. Таиланд Қироли ҳамда Хитой кубоги мусобақаларида энг яхши боксчига бериладиган Кубок соҳиби, ўтган йилда эса жаҳон чемпиони ва Ўзбекистоннинг энг кучли спортчиси номига сазовор бўлди.

"Туркистон-пресс"

1999 йилнинг августида АҚШнинг Хьюстон шаҳрида ўзбек бокс мухлисларининг чорак асрлик орзуси ушалди. Ватанимиз байроғи икки бор баланд ҳилпираб, мадҳиямиз баралла янгради. Бу кувончли воқеанинг сабабчиларидан бири Муҳаммадқодир Абдуллаев эди. У мардонавор одимини бултур Тошкентда Осиё чемпионатида ҳам давом эттирди. Сидней Олимпиадасига саралаш вазифасини ўтаган мазкур беллашувларда унга тенг келадиган рақиб топилмади. "Туркистон-пресс" мухбири спортчимиз билан бокс оламидаги фаолияти ҳамда бўлғуси Олимпиада

КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ВА ЗАМОН

Тошкентда касб-хунар таълими бўйича давлат таълими стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш муаммоларига бағишланган халқаро анжуман бошланди. Уни Ўзбекистон Махсус касб-хунар таълимини ривожлантириш институти ҳамда Европа таълим жамғармаси ташкил этган.

Анжуманда Буюк Британия, Германия, Франция, Финляндия каби Европа мамлакатлари, шунингдек, МДХ мамлакатлари ҳамда Мўғулистондан вакиллар иштирок этмоқда.

Таълим соҳасини такомиллаштириш барча мамлакатларда ҳам бирдек муҳим бўлган долзарб масалалар. Ёш авлодни ўқитиш, хунар ўргатиш, меҳнат бозорига тайёрлаш мамлакат тараққиётини белгилловчи асосий мезонлардан. Бу соҳага мамлакатимизда катта эътибор қаратилмоқда. Янги-янги мактаблар, ёшларни фойдаланиш касбларга йўналтириш мақсадида коллежлар, академик лицейлар очилляпти. Улар энг замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланмоқда. Ҳозирги кунда республикамиз ялпи ички даромадининг қарийб 10 фоизи таълим соҳасига ажратилмоқда.

Гарчи ёшларга таълим бериш, уларга хунар ўргатишда ҳар бир давлат ўз миллий анъаналари ва маҳаллий шарт-шароитга таяниб иш юритса-да, бу хайрли ишдан кўзланган мақсад барча давлатларда бир хил. У ҳам бўлса, ёшларни жамият тараққиётида фаол иштирок этишга тайёрлаш, етук ва баркамол инсон сифатида шакллантиришдир. Пойтахтдаги анжуман-



БИЗ ПРЕЗИДЕНТ ФАРЗАНДАЛАРИМИЗ

да кўриляётган масала эса касб-хунар таълимини халқаро миқёсда мувофиқлаштириш, унинг маҳаллий ва халқаро меҳнат бозори талабларига мос ягона стандартларини яратишдир. Чунки, дунёда интеграциялашув жараёни жадал кечмоқда. Ҳозирги ёшлар хунар ўрганар экан, нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг исталган мамлакатларида ўз касби бўйича бемалол фаолият кўрсата оладиган бўлиши керак.

Анжуман иштирокчилари уч кун давомида касб-хунар таълими масалаларида

МДХ мамлакатларида амалга ошириляётган ишлар ҳақида маърузалар тинглайди. Европа таълим жамғармаси экспертлари билан бўладиган мулоқотларда ўзаро фикрлашади, шунингдек, "Евростандарт" услублари ҳамда касб-хунар таълими соҳасида Франция тажрибалари билан танишади. Анжуман дастури бўйича тадбирнинг учинчи кунини Ўзбекистонга бағишланган. Шу кун анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда касб-хунар таълими тизими билан яқиндан танишади, коллеж ва лицейларни бориб кўради.

(ЎЗА)

ТАЛАБАЛАР АНЖУМАНИ

Мустақилликка эришганимиздан сўнг давлатимиз тарихининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда катта ишлар амалга оширилмоқда. Юртимиз тарихини ўрганиш, унинг миллий қадрияти, урф-одатларига ҳурмат билан қараш, моддий ва маънавий меросимизни қайта тиклаш, ёшларнинг онгини юксалтириш, уларнинг тафаккурини ўстириш ва ҳар томонлама баркамол инсон қилиб тарбиялашга катта эътибор берилляпти. Зеро, буларнинг бари бевосита миллий мафкура масалаларига келиб тақалиши аниқ.

Олтинчи апрель куни Президентимиз Ислам Каримов бошчилигида бўлиб ўтган машварат "Миллий мафкура — келажақ пойдевори" мавзуга бағишланди. Файласуф, тарихчилар, сиёсатшунос, педогоглар, журналистлар, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашган Оқсаройдаги йиғилишдан аввалроқ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: тарих ва ҳозирги замон" мавзuida талабаларнинг анъанавий илмий-амалий анжуманининг якуновчи босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Миллий университети проректори, профессор Р.Муртазоева очиб берган бу анжуманда билим масканининг факультетлараро Ўзбекистон тарих кафедраси домалари, талабалар қатнашдилар. Тарих фанлари номзоди, доцент Мавлуда Тожиёва олиб борган анжуманда хорижий филология, журналистика ва иқтисод факультетлари талабалари иштирок этиб, "Мустақиллик ва миллий мафкура", "Миллий университет ва унинг тарихий асослари", барчамизни дахшатга солган "16 февраль воқеалари — хушёрликка даъват" мавзуларида маърузалар қилишди. Айнқса, хорижий филология факультети талабаси Мукамбар Жалилова ва иқтисод факультетидан Шерзод Ризаевларнинг қилган маърузалари қизгин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди.

Асалхон РАҲМАТУЛЛАЕВА,
талаба



ЦИРКЧИ ҚИЗ

дан чиққан ҳар гапни бажаришади. Шахноза ёшлигидан ўғил болалардек каптарга ишқибоз бўлди. Ўртоқлари уни

донида каптарлар билан бирга жанг, хитой ўйинларини маҳорат билан ижро этиб, томошабинларнинг кўнглидан жой олмақда.

— Цирк учун оқ каптар яхшироқ, дейди суҳбатдошимиз Шахноза. — Ҳозирда 12 та каптарим бор. Тўрттаси саҳнада бемалол машқ бажара олади. Каптарларим

орасида товуслари ҳам бор. Уларнинг севимли таоми — маккажўхори. У бунинг жуда севиб ейди. Лекин очлик улар учун энг олий жазо, меъёридан ортиқ овқат берсангиз айтганингизни умуман қилмайди.

Шу пайт оқ ва товус каптарлар унинг елкасига кўнди. Шахноза уларга ҳар хил ишораларни кўрсатиб, уни қилишга ундайди. Қашлар ҳам уни тушунгандек кўрсатган амалларни бажара бошлади.

Каптарчи қиз билан қанчалик тез танишган бўлсам, суҳбатимга ҳам шунча тез якун ясалди. Унинг ҳаёли иш билан банд, янги-янги ўйинлар режасини тузиб, каптарларига ўргатади. Шахноза билан хайрлашарканман, ёш бўлсада ўзини эл хизматига бағишлаган қалбига, шижоатига самимийлик тиладим.

Бахтиёр ЭРГАШЕВ,
жамоатчи мухбир

УЗА **БОГОТА.** Колумбиянинг Картахена шаҳрида Қўшилмаслик ҳаракатининг навбатдаги анжумани бўлиб ўтди. Унда ушбу ҳаракатга аъзо бўлган 115 давлатдан вакиллар қатнашди. Учрашувда Колумбия президенти Андрес Пастрана Ҳаракат фаоллари дунё мамлакатларида демократияни мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида кўплаб муҳим тадбирларни амалга ошираётганини қайд этди. Анжуман иштирокчилари икки кун давомида қуролсизланиш, хавфсизлик ва ҳамкорлик билан боғлиқ кўплаб масалалар юзасидан фикр алмашди.

БУЭНОС-АЙРЕС. Боливия президенти Уго Бансера мамлакатда тўксон кунлик фавқулодда ҳолат эълон қилди. Маълумотларга қараганда, бунга фуқароларнинг иқтисодий ислохотлардан норозилик сифатида бир неча кундан буён оммавий намойишлар ўтказаяётгани сабаб бўлган. Намойишчилар мамлакатдаги катта кўчаларни ёпиб, транспорт воситаларининг ҳаракатланишига тўсқинлик қилаётди.

НАЙРОБИ. Конго демократик республикасида ўзаро урушаётган кучлар ўт очишни тўхтатиш борасида келишувга эришди. Томонлар Уганда пойтахтида бўлиб ўтган музокара натижасида шундай битим имзолади.

Мутахассисларнинг фикрича, қарама-қарши томонлар ушбу битимга қатъий риоя қилса, ҚДРга яқин вақтлар ичида БМТнинг беш минг кишидан иборат халқаро тинчликни сақлаш кучлари киритилиши мумкин.

ЖИДДА. Саудия Арабистони пойтахтида Форс кўрфазидagi араб давлатлари ҳамкорлик кенгашига аъзо мамла-

катлар ташқи ишлар вазирларининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда, асосан, Эрон ва Ироқнинг кенгашига аъзо давлатлар билан истиқболдаги ҳамкорлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашув қатнашчилари Форс кўрфазидagi давлатлар билан Эрон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш лозимлигини таъкидлаб, бу алоқалар ўзаро ҳурмат, ўзга давлатнинг

расидаги мулоқотларнинг фаоллашувига туртки бўлади, деб таъкидланган Оқ уйдан тарқатилган баёнотда.

Маълумотларга қараганда, Б.Клинтоннинг Э.Барак билан учрашуви шу ҳафта, Ё.Арафот билан бўладиган учрашув эса 20 апрелда бўлиб ўтади.

АЛ-КУВАЙТ. Халқаро қизил хоч қўмитаси кўмаги билан Эрон томони

сида ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантириш лозимлигини қайд этди. ЖАР президенти Табо Мбеки билан бўлган учрашувда, асосан, шу масалаларни муҳокама қилдик, деди у.

БУХАРЕСТ. Руминия ғарбидаги тошқин тўрт кун ичида олти кишининг бевақт ўлимига сабаб бўлди. Аҳоли яшаётган беш юзга яқин қишлоқ ва саксон минг гектардан ортиқ экин майдонини сув босган. Кўплаб кўприк ва маъмурий бинолар вайрон бўлган.

Табиий офат кучли ёғингарчилик оқибатида юзга келди. Мутахассислар ёғин-сочин яна бир неча кун сақланиб туришини айтиб, фуқароларни хавфсизлик чораларини кўришга чақирди.

РАБОТ. Африка ёшлари лигаси Африка бирдамлиги ташкилотининг (АБТ) қитъа парламентида асос солиш ғоясини қўллаб-қувватлади. Бу ҳақдаги баёнотда таъкидланишича, бундай парламентнинг ташкил топиши 37 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган АБТ ишини янги бо-скичга кўтариш, демократияни қарор топтириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга катта ёрдам беради. Айниқса, у минтақа давлатларида узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган қуролли мо-жароларни тинч йўл билан бартараф қилишда муҳим аҳамиятга эга.

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Аргентина, Бразилия, Парагвай ҳамда Уругвай ҳарбийлари иштирокида 22-25 сентябр кунлари қўшма машқлар ўтказилади. Бразилиянинг Порту-Алегри шаҳрида мазкур тўрт давлат қуролли кучлари вакиллари иштирокида ўтган учрашувда томонлар шундай келишувга эришди. Ҳарбийлар тинчлик ва барқарорликни сақлаш, фуқароларга тезкор инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш билан боғлиқ машқларда ишти-рок этиб, маҳорат оширади.



ички ишларига аралашмаслик ва келиш-мовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилиш каби тамойиллар асосига қурилмоғи лозимлигини қайд этди. Шунингдек, улар Ироқ ҳукумати БМТ қарорларини ба-жариш ва ташкилот билан яқин ҳамкор-лик ўрнатишга чақирди.

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ Президенти Билл Клинтон Исроил Бош вазири Эхуд Барак ҳамда Фаластин раҳбари Ёсир Ара-фот билан музокара ўтказишини маълум қилди. Бўлажак учрашувлар Яқин Шарқ можаросини тинч йўл билан ҳал қилиш бо-

ироклик беш юз нафар ҳарбий асирни озод қилди. Қўмита вакилининг айтиши-ча, яқин кунлар ичида яна шунча асир озод қилинади.

Маълумотларга қараганда, Эронда ҳанузгача ироқлик тўққиз мингга яқин ҳар-бий ушланиб турибди. Ироқ эса шу кунга-ча 2800 дан ортиқ эронлик ҳарбийни қўйиб юбормаган.

ПРЕТОРИЯ. Жанубий Африка Рес-публикасида ташриф буюрган Индонезия президенти Абдурахмон Воҳид журнали-стлар билан учрашувда икки давлат ўрта-

Ўзбекистон теннисчиларининг ёрқин ғалабаси

Тошкентдаги "Юнусобод" спорт мажмуида Ўзбекистон ва Янги Зеландия теннисчилари ўртасида Девис Кубоги учун Осиё ва Океаниянинг биринчилиги доирасидаги саралаш мусобақаси ниятсизга етди.

Уч кун мобайнида икки мамлакат жамоалари ўйинчилари шу йилнинг июль ойида жаҳоннинг 16 та энг зўр жамоаси аниқланадиган кейинги босқичга чиқиш учун ўзаро куч си-нашди.

Мусобақанинг биринчи ку-нида Янги Зеландия жамоаси-нинг энг кучли ўйинчиси Марк

Нельсен Ўзбекистонлик Вадим Куценко билан учрашиб, уни 7/6, 6/3, 6/2 ҳисобида мағлуби-ятга учратди. Ҳамюртимиз Олег Огородовга эса омад кулиб боқ-ди. У Алистар Хант устидан 7/6, 6/2, 6/7, 7/5 ҳисобида ғалаба қозонди.


Ўзбекистонлик Олег Огоро-дов ва Дмитрий Томашевич ян-гизеландиялик Алистар Хант ва Жеймс Гринхалг ўртасида бўлиб ўтган жуфтликлар белла-шуви томошабинларда катта таассурот қолдирди. Бу учра-шувда спортчиларимиз 7/5, 7/6, 6/4 ҳисоби билан ғалаба

қозонди.

Мусобақанинг охири куни Марк Нельсен Олег Огородов билан бўлган ўйинда кичик фарқ - 5/6, 5/7 ҳисоби билан ютди. Ўзбекистонлик Олег Мазур эса Джеймс Гринхал устидан 7/6, 6/4 ҳисоби билан қатъий ғалаба қозонди.

Шундай қилиб, ўзбекистон-ликлар навбатдаги малака до-ирасига чиқиб олишди ва жа-ҳон теннисининг энг катта со-врени учун курашни давом эт-тирмоқда.

(ЎЗА)



"ПАХТАКОР" — ҒАЛА-БАНГА ҲАММА ЗОР

Нихоят V турда "Пахтакор" ғалаба қозонди. Тўрт ўйиндан бери турнир жадвалининг энг сўнгги ўринларида бораётган жамоа олдинги учрашувларда шунчаки "ҳазиллашган" лигини исботлаб улгурди. Учрашув таф-силотида тўхталадиган бўлсак, ўз майдонида турнир пешқадами "Трактор"ни қабул қилган "Пах-такор" пахтакорчасига фақат ва фақат ғалаба учун тўп сурди. Шквинининг голидан сўнг 1:0 ҳисобда олдинга чиқишди. "Фут-болда сен урмасанг, сенга ури-шади" деганларидек, "Трактор" дарвозаси яна ишғол қилинди — 2:0. Шквинин ўзининг юлдузли онларини эслади шекилли, учин-чи тўп ҳам рақиб дарвозасига бо-риб тушди.

Ўйин тугашига озгина вақт қолганида ҳисобдаги фарқ қис-қарди — 3:1.

Нихоят, "Пахтакор" ғалаба қозонди. Илоҳим жамоа мухли-ларининг севинчлари узоққа чўзилсин-да.

Қолган учрашувларда куйи-даги натижалар қайд этилди:

"Сўғдиёна" — "Орол" 1:1
"Гулистон" — "Хоразм" 2:0
"Семург" — "Металлург" 4:1
"Дўстлик" — "Сурхон" 3:1
"Кимёгар" — "Насаф" 0:0
"Навбахор" — "Андижон" 3:0
"Темирийўлчи" — "Нефтчи" 2:3
"Самарқанд" — "Қизилқум" 4:0
"Зарафшон" — "Бухоро" 1:0

Ушбу турдан сўнг "Насаф" 13 очко билан пешқадамлик қилаётган бўлса, мағлуб "Трактор" ик-кинчи поғонада.

Шухрат ТОЖИЕВ

МЎЙЛОВЛИ ҚИЗЛОҚ

Черчилл шаҳрида яшайдиган ўн уч ёшли Лина Тоцец исмли қизни кўришга иштиёқмандлар кўп. Бу малласоз қизнинг нафис лабларини қоп-қора мўйлов қоплаган.

Уч ой муқаддам кўм-кўк кўзли қизчада илк бор қоп-қора туклар пайдо бўлганидан буён ота-она-си-ю, шифокорлар табиятнинг бу қалтис ҳазили-га даво топа олмаётди.

Одатда айрим аёлларда эркаклик хусусиятлари-нинг пайдо бўлиши фанга маълум ҳодиса. Аммо у аёл балоғатга етганидан сўнг содир бўлар эди. Шу боис ҳеч ким Линанинг кун сайин ўсиб кетаёт-ган мўйловини тўхтатишнинг иложини тополма-япти.

ИЛОНЛАРДАН ДЎСТ ТУТИНИБ

Суриялик Фаёқ Хаурани уч йил муқаддам катта бахтсизликка дучор бўлди. Уни заҳарли илон чақ-ди. Бечора йигит олти соат беҳуш ётди. Оила аъзо-лари-ю, қариндош-уруғлари уни ўлдига чиқариб, жанозасига тайёргарлик кўраётган вақтда марҳум кўзини очди...

Шундан буён йигитнинг энг севимли машғуло-

ти заҳарли илонларга ўзини тишлатиб, ўйнаб юриш. Ҳозир у бирданига ўн тўртта илонни ўйна-тади.

Мутахассислар фикрича, уни илк бор илон чақ-қанида организмда заҳарга қарши иммунитет ҳосил бўлган экан.

МАДОННА ФАРЗАНД КЎРМОҚЧИ

Мадонна ўз танқуриқчисидан қиз кўрганидан буён уч йил ўтди. У яна она бўлмоқчи. Англиялик ўттиз ёшли режиссёр Гай Ритчи билан танишга-нидан сўнг бу аёл фарзандли бўлишга аҳд қилди. Аммо ҳозир қаерда яшашни ҳал эта олмаётти. Яқин вақтгача Мадоннанинг Нью-Йорк, Лос-Анже-лес, Майами ва Лондонда ҳашаматли уйлари бор эди. Аммо Майами ва Лондондаги қононалари-ни сотувга қўйди. Яқинда Лондоннинг нуфузли Уелси туманидан 8 миллион долларга сотиб ол-ган уйида бирор кун ҳам яшамади. Кўнглига мос келадигани эса топилмаётти.

Қирқ бир ёшли санъаткор чорак миллиардлик мол-мулкка эга. Аммо шунчалар бой-бадавлат бўлишга қарамай фарзанд кўриши учун кўнгли-га мос уй топа олмаётди.

Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ**

**Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Лайло КАРИМОВА**

**Навбатчи муҳаррир
Лола СОАТОВА**

Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-59-38
Хатлар бўлими — 133-79-69

Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Таҳририятта юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтани назаридан
фарқлангани мумкин.